

## **ХУШХАБАР! ФАРФОНА ВИЛОЯТИ “ЯШИЛ” ҲУДУДДА!**

Коронавирус... бугун ер юзига, аникроғи миллати ва келиб чиқишидан қатъий назар ҳар бир инсонни, мана ман деган катта давлатларни ҳам саросимага тушириб қўйган, ҳали ҳамон унга қарши вакцина ёки даволайдиган дори топилмаётган бир пайтда Фарфонада бу “бало” устидан ғалаба қозонилди.

Бугун 14 май куни Фарфона вилоятида даволанаётган сўнги бир нафар бемор ҳам соғайиб, саломатлигини тиклаш учун реабилитацияга кузатилди.

2020 йил 15 март куни Ўзбекистонга кириб келган коронавирусга қарши курашиш борасида мамлакат Президенти ва ҳукумат томонидан кўрилган кескин чора-тадбирлар, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан кўрсатилган барча тавсиялар, хитойлик мутахассисларнинг вилоятимиз тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда олиб борган саъй-ҳаракатлари, мазкур соҳа мутахассисларининг ўз касбига бўлган меҳр-муҳаббатлари буларнинг барчаси ўзининг натижасини кўрсатди.

Шу ўринда айтиш керакки, вилоятимиз аҳолиси ва ижро ҳокимиятининг ўзаро ҳамкорлиги ва жипслиги синовли кунларда билинди. Бу бизнинг, барчамизнинг коронавирус устидан ғалабамизга сабаб бўлди!

Жорий йилнинг 13 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига карантин талабларини ҳушёрликни оширган ҳолда янада юмшатиш, иқтисодиёт тармоқларини босқичма-босқич ишлатиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилишида белгилаб берган кўрсатмаларига риоя этган ҳолда соғлом турмуш тарзини сақлаб қолиш бугун ҳар биримизга боғлиқ эканлигини асло ёддан чиқармаслик зарур.

Вилоятда шу пайтга қадар 157 нафар бемор соғайди. Фарфона вилояти “Яшил” ҳудудга кирди.

Айни пайтда мамлакат бўйлаб коронавирус инфекциясидан бутунлай соғайганлар сони 2077 нафарни ташкил этмоқда.

**Фарфона вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2020-05-14 12:31:10